# Президент Исроилга жўнаб кетди

14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Исроилга жўнаб кетди.

Ташриф олдидан Ислом Каримов Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига қисқача интервью бериб, жумладан, бундай деди:

— Исроил гарчи ҳудуди жиҳатидан кичик давлат бўлса-да, саноат, илм-фан, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича жаҳондаги тараққий этган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун Исроил билан ҳар томонлама муносабатларнинг ривожланиши Ўзбекистон учун катта фойда келтириши мумкин. Масалан, пахтачилик соҳасида ҳамкорлик қилишнинг фойдали жиҳатларини олиб кўрайлик. Юртимизда ҳар гектар пахта майдонидан 27-28 центнердан ҳосил олинади. Исроилда эса бу кўрсаткич 70 центнерга яқин. Кўриниб турибдики, биз бу борада ҳамкорлик қилсак, асло ютқазмаймиз.

Шунингдек, электроника, автоматлаштириш, кимё, юксак технология соҳасида Исроил эришган ютуқлар Ўзбекистонда ҳам тадбиқ этилса, яъни шу асосда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилса, юртимизнинг эртанги кунини яратишда катта муваффақиятларга эришиш мумкин бўлади.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи иккинчи жаҳон уруши йилларида қатағон қилинган 250 мингдан ортиқ яҳудийни ўз бағрига олиб, улар билан сўнгги бурда нонини баҳам кўрган. Шунинг учун уларнинг бугунги кунда Исроилда яшаётган авлодларининг Ўзбекистонга ҳурмати баланд. Бу эса икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда асосий омиллардан бири бўлади.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

***Суратда: Президент Исроилга жўнаб кетишдан аввал журналистлар саволларига жавоб берди.***

***Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат***



# Ислом Каримовнинг Исроилга давлат ташрифи бошланди

**ҚУДДУС, 14 сентябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади).** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Исроилга келди.

Исроил давлати Президентининг қароргоҳида мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Унда икки давлат Президентлари қисқача нутқ сўзладилар. Мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросимида Исроил давлати Бош вазири Бенямин Нетаняху ҳам ҳозир бўлди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Қуддус шаҳрида иккинчи жаҳон урушида қатлиом этилган яҳудийлар хотираси учун тикланган «Яд ва Шем» ёдгорлигини бориб кўрди. Ислом Каримов уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

Шу куни Президент Ислом Каримов ўзи учун ажратилган «Шоҳ Довуд» қароргоҳида Исроил савдо ва саноат вазири Н. Шаранскийни қабул қилди. Учрашувда томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Исроил давлати Президенти Эзер Вейцман ўртасида бўлиб ўтган учрашув куннинг муҳим воқеаси бўлди. Исроил Президенти қароргоҳида бўлиб ўтган ушбу мулоқот халқаро сиёсатдаги долзарб муаммолар, минтақавий хавфсизлик, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар истиқболи билан боғлиқ масалалар хусусида бўлди.

Оқшом Исроил давлати Президенти Эзер Вейцман Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шарафига расмий қабул маросими уюштирди.

Ислом Каримовнинг Исроилга давлат ташрифи давом этмоқда.

***(ЎзА).***

***Ватанни севмак иймондандур!***

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ


Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1998 йил 15 сентябрь, сешанба • № 111 (23.348).**

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1971-1980 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1998 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

***Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 14 сентябрь

## Мукофотга «ТИКО»

Каттақўрғон туманидаги Элмурод Қурбонов номли жамоа хўжалигида пахта йиғим-терими мавсуми қизғин давом этмоқда.

— Хўжаликда бу йил 1115 гектарда пахта етиштирганмиз. Унинг 700 гектарида чигит плёнка остига экилди. Ана шу майдонларда пахта қийғос очилди. Қўлда терилаётган ҳар бир килограмм пахтага 5 сўмдан пул тўланяпти, — дейди хўжалик бошқарувининг раиси Маҳмуд Бозоров. — 50 гектар ери бўлиб, 45-50 центнердан ҳосил олган бригадаларга «Тико» автомобили мукофоти жорий этилди.

***Лутфулла МАМАСОЛИЕВ***


## Узоқ-яқин, оғир-енгил

Хоразм вилояти қурилиш ташкилотлари тош-шағалга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун Қорақалпоғистоннинг Юмуртов тош каръеридан айланма йўллар орқали 130 километр йўл босиб, ташишга мажбур бўларди. Бу ўз навбатида харажатларни кўпайтирарди. Манфаатдор корхона ва ташкилотлар бунинг олдини олиш учун 51 километрли йўл қуришга қарор қилишди. Натижада Шоват — Юмуртов оралиғидаги янги темир йўл қурилиши авж олди. Келажакда бу йўл Амударёга солинадиган кўприк орқали «Туямўйин — Нукус» темир йўл тармоғига уланади. Бу билан темир йўл қадимий Хивагача ҳам боради.

***Рўзимбой ҲАСАН***

*«Президент кубоги»*

# Мусобақа байроғи ҳилпирамоқда






*Пойтахтимизнинг кўркам кошонаси «Юнусобод» ўйингоҳи ҳар қачонгидан гавжумлашди. Байрамона безатилган усти берк ўйингоҳда мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлди. Бундай нуфузли мусобақалар ташкилотчиси С. Какшури халқаро турнирнинг аҳамияти ҳақида гапириб, республика Бош вазири Ў. Султоновга сўз берди. Бош вазир анъанага айланган баҳснинг халқаро аҳамияти йилдан-йилга ортиб бораётгани, юртимизда кичик тўп ошуфталари сафи кенгаяётгани, муҳими теннис соғлом авлодни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этаётгани ҳақида гапирди. Мусобақаларнинг йилдан-йилга бетакрор воқеаларга бой бўлаётгани, турли мамлакатларда «Президент кубоги» турнирига қизиқиш ортаётганини таъкидлади. У мусобақани очиқ деб эълон қиларкан, бешинчи марта ўтказилаётган турнир иштирокчиларига қизғин баҳсларда муваффақият тилади. Шундан кейин давлат мадҳияси садолари янграб, мовий яшил байроғимиз оҳиста кўтарилади. Қизиғи шундаки, теннис майдончасида тўпланиб турган болалар қўлларидаги ранго-ранг соябонларни очиб баланд кўтарганларида кўз ўнгимизда давлатимиз байроғининг тимсоли намоён бўлди.*

*Ўзбекистон "Президенти кубоги" бўйича Бешинчи халқаро турнирининг тантанали очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, мусобақа ташкилот қўмитаси раиси, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этди.*


**4-бет**





***Суратларда: мусобақадан лавҳалар.***

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборати

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 15 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади****

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 62,50 | 100 Ливан фунти | 6,89 | 1 Украина гривнаси | 40,99 |
| 1 Австрия шиллинги | 8,76 | 1 Малайзия рингити | 27,51 | 1000 Белорусь рубли | 2,04 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 175,18 | 1 Германия маркаси | 61,62 | 1 Латвия лати | 177,68 |
| 10 Бельгия франки | 29,87 | 1 Норвегия кронаси | 13,86 | 1 Литва лити | 26,13 |
| 1 Голландия гульдени | 54,64 | 1 Польша злотийси | 28,86 | 1 Молдова лейи | 21,56 |
| 10 Греция драхмаси | 3,58 | 10 Португалия эскудоси | 6,03 | 1 Қирғизистон соми | 4,87 |
| 1 Дания кронаси | 16,18 | 1 Сингапур доллари | 60,50 | | |
| 1 БАА дирхами | 28,46 | 1 СДР | 143,62 | | |
| 1 АҚШ доллари | 104,52 | 1000 Туркия лираси | 0,38 | | |
| 1 Миср фунти | 30,72 | 1 Финляндия маркаси | 20,28 | | |
| 1 Ирландия фунти | 154,03 | 1 Франция франки | 18,37 | | |
| 1 Исландия кронаси | 1,50 | 1 Швеция кронаси | 13,23 | | |
| 10 Испания песети | 7,25 | 1 Швейцария франки | 74,88 | | |
| 100 Италия лираси | 6,24 | 1 ЭКЮ | 121,06 | | |
| 1 Канада доллари | 68,99 | 10 Жанубий Корея вони | 0,75 | | |
| 1 Хитой юани | 12,62 | 10 Япония иенаси | 7,97 | | |
| 1 Қувайт динори | 346,09 | 1 Россия рубли | 9,15 | | |

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

*ХДП хабари*

## Илмий-амалий конференция

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юнусобод тумани кенгаши Ўзбекистон халқлари тарихи музейи билан ҳамкорликда «Миллий истиқлол, мафкура ва миллий ғоя» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди.

Анжуманни Юнусобод тумани партия кенгаши биринчи котиби Учқун Шоимқулов очди ва олиб борди.

Унда «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, таниқли ёзувчи Эркин Аъзамов, Тошкент Молия институти ректори, академик Мурод Шарифхўжаев, Тошкент педиатрия институти фалсафа кафедраси мудири Ҳуррам Ҳайдаров ва бошқалар мазкур мавзу юзасидан ўз қимматли фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

***Шарофат ТОШХЎЖАЕВА***

*Аччиқ, аммо очиқ гаплар*

## Дивиденд нималигини билмаган ҳиссадорлар

***ёки «Сурхонтемирбетон» ҳиссадорлик жамиятидаги бугунги хўжасизликлар хусусида***

Яқинда хизмат юзасидан «Сурхонтемирбетон» ҳиссадорлик жамиятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишдик. Дастлаб жамият бошқаруви раиси Абдусаттор Ҳайитов қабулида бўлгач, у кишининг муовини Абдуҳамид Саломов билан корхонадаги бугунги аҳвол, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва тури, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги билан қизиқдик. Қолаверса, мулк шаклини ўзгартирган бу жамоанинг бугунги кундаги фаолияти, акция чиқариш ва дивиденд тўлаш қай аҳволдалигини сўрадик.

— Корхона қачондан бошлаб ҳиссадорлик жамиятига ўтган? — сўрайман А. Саломовдан.

— 1985 йилдан буён ҳиссадормиз...

— Йўғе, 85-йилдан эмас-дир-ов?!

Саломов шу пайт менга ялт этиб қаради, лекин айтган хато гапига эътибор бермади.

— 95-йил денг! — дея унинг хатосини тўғриладим.

— Э, ҳа, тўғри айтасиз, — деди у хижолатомуз.

— Илк бор сизларда қачон акция чиқарилган ва унинг қиймати неча сўм эди?

— 1995 йил чиқарилган бўлса керак... Донаси аниқ эсимда йўқ. Аммо бошида бир дона акциянинг баҳоси 50 сўмдан эканлиги аниқ ёдимда. Ҳозир ҳар бир акциянинг нархи 2800 сўм бўлган.

— Абдуҳамид ака, ўзингизда ҳам акция борми?

— Маош олиб турибсизми?

— Майнинг ойлигини берамиз дейишяпти, энди берса керак? — у шундай деди-ю, Саломовга қаради.

— Бор, 52 дона.

Шундан сўнг раис муовинидан ҳиссадорлик жамияти раиси ҳақида ёки мулкка эгалик нима-ю, ундан кўзланган мақсад ҳақида сўраш ҳам бефойда эканлигини англадик. Оддий ишчилар билан суҳбатлашдик.

Ўзини Неъмат Усмонов деб таништирган йигит қолипловчи вазифасида ишлайди. Эртадан-кечгача тинмай меҳнат қилади. Қурилиш учун турли ҳажмдаги бетон плиталар, блоклар ва бошқа материаллар ишлаб чиқаради. Аммо, нари борса 3,5-4 минг сўмлик ойлик олади. Уни ҳам вақтида берса яхши...

— Акция олганмисиз?

— Акция? У нима ўзи? Биринчи бор эшитаяпман. Ундан кейин бу ерга ишга келганимга бир йил бўлди, холос.

Неъмат Усмоновнинг жавобларидан таъбимиз хира бўлгач, бу ерда узоқ йиллардан буён пайвандловчи бўлиб ишлаётган Хосият опа Қурбонович учратдик. Гапнинг очиғи Х. Қурбонова ўз ишидан мамнун эканлигини, ойлик маоши 10 минг сўмлигини фахр билан айтди. Ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароит, байрамларда улашиладиган совғалар ҳақида ҳам сўзлади. Аммо, бундан бир ярим йил олдин олган, аниқроғи жамият томонидан тақсимланган 16 дона акциясининг ҳар бири неча сўмдан эканлигини, йил охирига бориб ундан қанча соф фойда кўриши ҳақида сўраганимизда Хосият опа елка қисишдан нарига ўтолмади.

Энди бир-икки оғиз сўз «Сурхонтемирбетон» ҳиссадорлик жамиятида бажарилаётган ишлар ҳақида. Жамият аъзолари асосан буюртма асосида фаолият кўрсатади. Турли хил қурилишбоп материаллар ишлаб чиқаради. 1998 йилнинг 6 ойида 49 миллион 980 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 10 миллион сўм кўп демакдир. Лекин, бу дегани жамиятда ишлар «беш» дегани эмас. Бир пайтлар бир неча юз нафар киши ишлайдиган жамоада ҳозир 120 нафар ишчи меҳнат қиляпти. Аввалгидек, буюртмачилар ҳам кўп эмас. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ҳам бугунги кун талабига жавоб бермайди. Жамоа аҳли собиқ иттифоқ даврида қандай фаолият юритаётган икки кундан сўнг мен сизга «точный» маълумотлар бера оламан», — дейди уф тортиб.

Очиғи, қарийб 15 гектар майдонни эгаллаган бу завод сўнгги йилларда қаровсиз аҳволга тушиб қолган. Ҳаммаёқ бесаранжом, бетон, темир уюмларига тўлиб кетган. Ахлат-чиқиндиларнинг ҳиди анқиб ётибди. Бир пайтлар экилган дарахтлар сувсизликдан қуриб, қовжираб қолган. Чор-атрофни янтоқ, шўра, ҳатто жинғил босиб кетган. Ишчилар учун арзимаган шароитлар ҳам яратилмаган. Тағин яна бир гап «Давлат тили» ҳақида. Қонун қабул қилинганига қанча йил бўлган бўлса-да, бу ерда асосан иш юритиш рус тилида амалга ошириларкан. «Тиббиёт хонаси» деб ёзилган эшикдан киргач, ҳойнаҳой бу ерда ишчиларнинг соғлиғи муҳофаза қилинса керак, деб ўйладик. Аммо, кўзимиз бошқача манзарага тушди. Яшикяшик помидор, тарвуз каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган «ларёк» бўлиб чиқди.

***Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири***

## Йил одами

Америкадаги Халқаро тадқиқотлар институти Кенгашининг қарори билан машҳур невропатолог, академик Наби Мажидовга «1998 йил одами» фахрли юксак унвони берилди. Кенгаш Президенти Дж. М. Евансниг Н. Мажидов номига шу йил 24 июлда юборган табригида: «Сиз жамият тараққиётидаги катта ютуқларингиз ва ибратли ҳиссангиз учун шундай юксак унвонга сазовор бўлдингиз. Бундай улуғ ном билан сизни табриклайман», — дейилади.

***Умида ФАЙЗИЕВА***

*Бу дунёнинг ишлари*

## Қурбонлар Теҳронга қайтарилди

**Кеча Эрон ҳарбий ҳаво кучларининг транспорт самолёти Мозори Шарифга келиб, эронлик тўққиз дипломат ва бир мухбирнинг жасадини Теҳронга олиб кетди. Улар 8 август куни толибонлар томонидан отиб ташланган эди. Покистоннинг Афғонистондаги элчиси Азиз Хон журналистларга хабар берганидек, қурбон бўлганлар бевосита Теҳронга келтирилди. Толибонлар жасадларни халқаро Қизил Хоч жамияти орқали манзилга етказмоқчи эди. Бироқ Покистон бу ўринда даллоллик вазифасини ўз зиммасига олди. Ўттиз ёшли Эрон журналистининг жасади ўтган жума куни топилган эди. Эрон Ташқи ишлар вазирлиги раҳбариятининг тахминича икки дипломат Мозори Шарифдан қочишга улгурган. Бунда улардан бири жароҳат олган.**

## Ислоҳотларни давом эттирмоқчи

Россия Федерацияси ҳукуматининг Бош вазири қилиб яқингинада сайланган Евгений Примаков иқтисодий ислоҳотларни давом эттирмоқчи эканлигини таъкидлади. Ислоҳотларнинг барчаси оддий фуқароларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади, деди у. Бозор иқтисодиёти йўлидаги ислоҳотлар эса камбағаллар ва бойлар ўртасидаги тенгсизликни тугатишга қаратилади, деб айтди. Иқтисодий ислоҳотлар янги ишчи ўринларини яратиш ва ойлик маошларни ўз вақтида тўлаб боришдан бошланиши керак. Бундан буён ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги камчиликларни тугатиб борамиз. Банк тизимини шакллантириш ва эркин бозор иқтисодиёти бизнинг асосий вазифамиздир. Бунда хорижий сармояларни бевосита ишлаб чиқариш соҳасига жалб этиш муҳимдир. Евгений Примаков қачонлардир давлат раҳбари лавозимига интилиши мумкинлигини ҳам айтиб ўтиб, мен қаерда ишласам ҳам, ўзимни вақтинча деб ҳисобламаганман. Айни пайтда ҳукумат зиммасида оғир вазифалар турибди, деди.

## Македониядаги машқлар

**Македониянинг Криволак полигонида НАТО томонидан ўтказилаётган «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури асосидаги машқларда Озарбойжон, Грузия, Латвия, Молдавия, Эстония ва Украина ҳарбий хизматчилари топшириқларни бажаришмоқда. Машқларда иштирок этаётган 26 мамлакат вакиллари қатори улар ҳам тинчликни сақлаш йўналишида фаолият кўрсатишмоқда. Қаттиқ ёмғирлар туфайли мураккаб вазиятларда ўтаётган машқларда Канада ҳарбий кучларининг Ф-18 қирувчи самолётлари полигон бўйлаб учиб ўтди.**

## Иғвогарлик кампанияси

Америка сиёсатчилари прокурор Кеннет Старрнинг Президент Билл Клинтон билан Моника Левински ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги маърузаси тўғрисида ўз фикрларини билдирмоқдалар. Республикачи сенатор Оррин Хэч ҳуқуқий қўмитани бошқараётгани учун Президентга нисбатан импичментни тезроқ қўллаш ҳақида фикр билдирди. Унинг сўзларига қараганда, ҳуқуқни бузиш Президентга қимматга тушиши мумкин. У ўз лавозимини тарк этиши кутилмоқда. Клинтоннинг адвокатлари эса, махсус прокурор Кеннет Старрни иғвогарлик кампаниясини бошлаб юборганликда айблашмоқда. Улар телевидение орқали сўзга чиқиб, Клинтон бироз беодоблик қилганлигини тан олишди. Бироқ, унинг бу гуноҳи истеъфога чиқишга мажбур қилмайди-ку, дейишди улар.

## Молиявий инқироз оқибати

**Осиёдаги молиявий инқироздан зарар кўрган қатор мамлакатларга қарз берилиши муносабати билан халқаро валюта жамғармасининг кредит имкониятлари чегараланиб қолганлиги сезилиб қолди. Бу ҳақда жамғарма директорининг биринчи ўринбосари Стенли Фишер маълумот берди. Ўтган молия йилининг ўзида 26 миллиард доллар қарз берилган. Бу йилги молия йилида эса бу рақам 11 миллиард долларни ташкил қилди.**

# Тупроғинг бебаҳо, Ватан!

■ *«Бизлар шундоқ эдик, бизлар шунақа...»*
■ *«Атиргул қуёшга қанчалик талпинса...»*
■ *Таълим — тўрт тилда*
■ *Қўшимча томорқа — қўшимча даромад манбаи*
■ *Чўпон-чўлиқлар ўчоғида газ ёнаётир...*

### 1. Яшилланиб бормоқда олам

Юртимизда бундай аёллар жуда кўп, Ҳусния Зедляева шуларнинг бири. Уни кўриш ниятида мактабга борсам, синф хонаси бўм-бўш, биринчи қўнғироқ, ҳаяжонли лаҳзалар изи хонада муҳрланиб қолган. Эҳтимол биринчи дарс мавзуи шундай аталгандир, ҳар ҳолда, у доскада қайд этилганча турибди: «Ўзбекистон — Ватаним маним!»

Шу ёзувга кўзим тушгач, кайфиятим алланечук сокинлашди. Ўйга толганча секин изимга қайтдим. Яқинда Чингиз Айтматов билан бўлган суҳбатда енгил-елпи адабиёт, ахлоқсизлик, жангарилик ташвиқ этилган видеотасмалар ҳақида гап очилган ва шунда у: — Бунга қарши туришнинг бирдан-бир йўлишундан кучли, таъсирчан асарлар яратишдир, — деган. Шу менинг ёдимга тушди-ю, баттар хомуш тортдим, ҳар ҳолда, бир кунда бўладиган иш эмас бу! Аммо шунга замин бор: халқимиз даҳоси яратган ўлмас асарлар, адабиётимизнинг мумтоз намуналари, тасвирий санъат жавоҳирлари мавжуд...

Бироқ бу — алоҳида мавзу.

Ҳозир гап Ҳусния Зедляева ҳақида. Мен бу аёлни анчадан бери биламан. Шўро тузуми қрим-татарларни қатағон қилган кезлар унинг ота-онаси юртимизга келиб қолган, Зарафшон воҳасида паноҳ топишган. Ҳусния опа эса шу ерда туғилган, шу ерда унибўсган.

У Навоий туманидаги Собир Раҳимов номли ўрта мактабда тилдан сабоқ беради. Қизи ҳам шу мактабда тил ўқитувчиси, ўғли эса Навоий Давлат кончилик институтида таълим олаётир.

Биламан, опа мактабдан қайттач, бир лаҳза ҳам вақтини бекор ўтказмайди. Чунки «умрнинг ҳар бир лаҳзаси турмушни тўкислаштиришга хизмат қилиши керак», деб билади у. Меҳри сингган ямяшил пайкалларда етилган ҳосилни ўз қўли билан йиғиб олиш унга ҳаловат бағишлайди. Меҳнатсеварлиги фарзандларига, набирасига юқаётганини кўриб, ич-ичидан севинди. Зеро, инсонни улуғлайдиган — меҳнат.

— Отам тўқсон, онам саксон ёшда, — дейди у. — Биз ишдан қайттач, барчамиз бир бўлиб йигирма сотих қўшимча томорқада меҳнат қиламиз, шаҳарликлар дастурхонига биринчилардан бўлиб помидор, бодринг чиқарамиз, ўттиз хилга яқин сабзавот етиштирамиз, ортганидан қишлик компот тайёрлаймиз. Томорқа ва қўшимча томорқадан ҳар йили камида 150 минг сўм қўшимча даромад қиламиз. «Қўшимча даромад» деяётганимнинг сабаби шуки, асосий даромад манбаи — маош, нафақа, ўн беш мингдан ошиқ. Биз уни фақат кийим-бош, шакар-пакарга харжлаймиз. Бу йил дон ҳам ўзимиздан чиқадиган бўлди...

Ҳаммада ҳам орзу-ҳавас бўлади. Ҳусния Зедляева «қўшимча даромад»ини ўғлининг тўйига сарфламоқчи. Янги уй-жой қуриш ниятида..

Ҳозир одамлар дунёга мана шундай кўз билан қарай бошлаганлигини, томорқа қўшимча даромад манбаига айланганини, энг муҳими, инсоннинг манглай тери эвазига юрт яшилланиб, яшнаб бораётганлигини сезиш қийин эмас.

— Мен шу юрт фарзанди эканлигимдан ифтихорланаман, — дейди Ҳусния Зедляева, — биласизми, қишлоғимизда руслар, украинлар, чеченлар, аварлар ҳам бор. Лекин, ҳовлилар орасида девор йўқ, дарвозаларда қулф йўқ. Айрим қўшни давлатлардаги миллий низоларни, уруш-жанжалларни телевизор орқали кўриб ўтириб, «Буларга нима бўлган ўзи?» деб ўйлайман. Мана, биз бир қишлоқда — ака-укадай яшаяпмиз-ку, тўйимиз бир, ташвишимиз бир!.. Ишқилиб, ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин! Юртимиз ҳамиша тинч, насибамиз бутун, озодлигимиз абадий бўлсин! Биз кўрмаганларни фарзандларимиз кўрсин!..

### 2. Ҳайратга ўхшаш туйғу

Инсоннинг қадами етмаган жой йўқ. Лангар тоғлари қўйнидаги сой соҳилида жойлашган кўркам хусусий қаҳвахона, пештахтаси бой дўкон, тайёрланган ноз-неъматларни кўриб, хориждан келган тадбиркор жаноб Руслан: — Шундай овлоқ жойда наҳот шундай ишлар қилиш мумкин бўлса? — дея ҳайратга тушди.

Беихтиёр шоирлар саркори Абдулла Орипов Бухоро гази Москвага етиб бориши муносабати билан бундан ўттиз йилча муқаддам битган сатрлар хаёлимдан кечди:

***Газ деган дўстларим, нима бўлибди,***
***Азалдан жонимиз сизга садақа.***
***Жаҳон-ку рост гапни кўриб турибди —***
***Бизлар шундоқ эдик, бизлар шунақа...***

Ва мен меҳмонга қараб, ички бир ғурур билан: — Бизнинг ота-боболаримиз ҳам шундай меҳнаткаш, қўли, кўнгли очиқ бўлган, аммо Ватанни жон-дилдан севган! — дедим. — Мана шу асрий чинорларни улар экиб қолдирган. Унинг соясида биз салқинлаб ўтирибмиз. Айни пайтда фарзандларимизга биз ҳам нимадир қолдиришимиз керак-ку, ахир?!

Шунда у айтди: — Ўзбекистондаги ўзгаришларни истиқлолнинг биринчи йилидан буён кузатиб келаман. Сизлар бунинг қадрига етиш учун собиқ Иттифоқ таркибида бўлган ўзга мамлакатлардаги бугунги аҳволни яқиндан билишларингиз керак. Қаерда шундай қурилишлар бўлаётир? Қаерда шундай ҳайбатли корхоналар қад ростлаётир, қаерда шаҳарлар чирой очаётир? Қурилаётган йўлларнинг ўзи ҳам мамлакатингиз салоҳиятини тўла намоён этиб турибдику!

Дарёнинг сирти гарчи сокин кўринса-да, сувга оёқ қўйишингиз билан оқим шиддатини ҳис қиласиз. Юртимиздаги ўзгаришларни ҳам шунга қиёслаш мумкин.

Ҳозир Конимех туманига йўлингиз тушса, бир пайтлар биздай чўл бўлган бу ерлар бугун тамомила бўлак бир манзара касб этаётганлигини кўрасиз. Аслида, бу — мамлакатимизнинг сахро ҳудудида жойлашган энг овлоқ тумани. Бундан қирқ йилча муқаддам шу чўлларга туташ Газлидан газ фаввораси отилиб чиққан, ўшанда конимехликлар ҳам «энди тезак ёқишдан қутулар эканмиз-да», деб ўйлашган. Гарчи бу газ қувурлар орқали дунёнинг нариги чеккасидаги шаҳар ва қишлоқларга етиб борган, уларнинг ўчоқларида ёна бошлаган бўлса-да, Конимех қишлоқларига етиб келиши учун қирқ йилча кутишга тўғри келди. Бугун чўпон-чўлиқлар хонадонида ҳам «зангори олов» ёнаётир.

### 3. Саҳродаги Амир Темур хиёбони

Кейинги уч йил ичида Конимех шаҳарчаси, Ҳамид Олимжон номли, «Чордара» жамоа хўжаликлари, туман марказидан бир неча юз километр олисдаги «Сарибел», Марказий Қизилқумда жойлашган «Конимех» жамоа хўжаликлари, яқинда эса Дамхўжанинг тоза ичимлик суви ўтовларга ҳам кириб келмоқда. Ҳа, буни ўз кўзи билан кўрмагунча одамнинг ишонгиси келмайди.

«Шўркўл» жамоа хўжалиги қишлоқлари газлаштирилди. Табиий газ олиб бориш мумкин бўлмаган овуллар ҳам йўқ эмас. Уларни суюлтирилган газ билан таъминлаш мақсадида суюлтирилган газ қўйиш заводи барпо этилди ва ишга туширилди. Шунингдек, бир кеча-ю кундузда минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган асфальт-бетон заводи, автошоҳбекат, 360 ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб, қишлоқ тиббий маркази, Амир Темур хиёбони, соҳибқирон бюсти, тарихий-ўлкашунослик музейи қад ростлади.

Кейинги йилларда фақат Конимех шаҳарчаси эмас, балки овлоқ қишлоқлар ҳам ўзгача файз ва чирой касб этаётир. Албатта, бу — ерга меҳр, изланиш ва меҳнат орқасидандир...

«Шўркўл» жамоа хўжалиги аъзолари аввалги йили биринчи маротаба ғалла экишган. Тажрибасизлик боис пича қийналишди, лекин тезда ўзларини ўнглаб олишди. Билмаганларини сўраб билишди, ўрганишди. Бу йил эса улар мавжуд 468 гектар ғаллазордан салкам 50 центнердан ҳосил кўтаришди. Чўл шароитида ёмон кўрсаткич эмас бу.

Бултур конимехликлар 1550 гектар ерга ғалла экиб, 5 минг тонналик ҳирмон уюшди ёки режани 125 фоизга уддалашди. Гарчи аввал ғалла экиб кўришмаган бўлса-да, 55-60 центнердан ҳосил кўтарган бригадалар кўп бўлди. Агар, рўй-рост айтадиган бўлсак, чорвадорлар билан суҳбатлашгач, ғаллачиликда ҳам улар шу соҳанинг ҳадисини олган мидеган гапдир.

Шундай даромадлар эвазига ҳар бир хўжалик марказида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, тиббий ўчоқлар, бозор ва чойхоналар, дўкон ва хиёбонлар, асфальт йўллар бино этилаётир. Ва бу йўлларда сиз ҳар қадамда «Дамас», «Тико», «Нексия»ни учратишингиз мумкин...

Аввал тақир чўл бўлган ерларга сув чиқарилмоқда, буғдой экилмоқда, боғ барпо этилмоқда, янги маҳаллалар юзага келмоқда, шундай маҳаллаларнинг бирида қад ростлаётган қўшқаватли мактабни «Янгиобод» дея аташди, мактаб директори Чўлибой Бобохўжаев: — Қурилиш ниҳоясига етгач, бу — тумандаги энг кўркам таълим даргоҳларидан бирига айланади, — дейди.

Биз ўқув йилининг бошланғич дарсларидан бирининг гувоҳи бўлдик. Кенжатойлар аждодлари тарихини, Абайни ҳам, Навоийни ҳам, юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ҳам яхши билишади.

Уларнинг фикрларини тинглай туриб, ҳаётга уйғоқ бир авлод кириб келаётганини ҳис этасиз. Шуни ҳам айтиш керакки, Конимехда таълим тўрт тилда олиб борилади...

### 4. «Бизнинг насибамиз — сурув туёқларида...»

Ҳозир кўркам ўтовларни Қозоғистонда ҳам учратиш қийин бўлса керак, лекин сиз Конимехда бўлсангиз, сурув ортидан юрган чўпон-чўлиқлар шундай ўтовларни афзал билишаётганига шоҳид бўласиз.

Ергешбай Тўхтамуродов: — Бизнинг насибамиз — сурув туёқларида, — дейди. Асли ўзи қорақалпоқ. Эсини таниганидан буён чўпон таёғи қўлидан тушмайди. У «Сарибел» жамоа хўжалигининг биринчи фермаси бош чўпони.

Хўжаликда бу йил туёқ сони мўлжалдагига нисбатан 16022 тага ўсди.

## Ислоҳот ва маънавият

Кўзланган режа 133 фоизга уддаланди. Ҳар юз бош совлиққа 111 бошдан қўзи олинди. Шунинг 65 фоизи ўстиришга қолдирилди. Шунингдек, хўжаликдаги отлар, туялар сони ҳам йилдан-йилга ўсиб бораётир.

Чўпон турмушига файз, дастурхонига барака киритадиган шу, аслида.

Бизнинг кўнглимизга қувонч бағишлаган бошқа бир ўзгариш бўлди, гоҳо газеталар: — Ёшлар чўлни, чўпон таёғини ташлаб, шаҳарга кетиб қолмоқда! — дея кўнгилга ғулу солар эди. Биз чўлда ҳам, қишлоқларда ҳам тамомила бўлак бир манзаранинг, бўлак бир кайфиятнинг гувоҳи бўлдик. «Сарибел» жамоа хўжалиги биринчи фермаси бошлиғи Ергешбай Бўронбоев сулоласи билан, умуман, чўл қўйнидаги ҳаёт билан яқиндан танишгач, шунга амин бўлдикки, сурув ортида юрган ҳам ёшлар, масканим обод бўлсин деб дўкон, тиббиёт маркази қураётган ҳам — ёшлар. Улар ҳаётдан ўз ўринларини топиб олишмоқда. Бўронбоевларнинг ўғиллари, қизлари, келинлари сурув изларидан ўз ризқини, бахтини топишаётир...

Биз шу сафар ажиб бир ўзгаришни юрак-юракдан ҳис этдик: бугунги ҳаёт кечаги кунга сира ўхшамайди, бугунги кайфият кечаги кайфиятдан тубдан фарқ қилади, ҳа, бугунги одамлар кечаги кунниг одамлари эмас!

Бу — турмушдаги юксалишда, одамлардаги хушкайфият, қарашлардаги қатъият, дадиллик ва яратиш иштиёқида, хусусан, фикрларидаги тиниқликда яққол кўзга ташланади.

### 5. «Биз куч оладиган замин...»

Ҳа, бу йилнинг шукуҳи ўзгача. Буни Айдаркўл мавзларида ҳам илғаш мумкин.

— Бу адоқсиз кўл ҳам бизга Аллоҳнинг бир инъоми, — дейди туман ҳокими Смоил Аспанов. — Шундай балиқлар бор, одамдан катта. Яқин келажакда бу ерда кичик консерва заводи қуриш ниятидамиз. Бу — халқни боқиш учун эмас, балки мавжуд имкониятдан фойдалана билишни ўрганиш учун ҳам керак.

Конимехлик чўпонлар бу йил 100 бош совлиқдан 104 тадан қўзи олишди, 156 минг қўзининг 88,5 минг бошини ўстиришга қолдиришди. Бу — янги насиба, янги иш ўринлари, қўшимча тўқсон миллион сўм даромад демак, янги қурилишлар, тўйлар, янги оилалар, орзу-ҳаваслар демак...

Биз «Абай» жамоа хўжалигида жуда замонавий дўконлар барпо этилаётганлигининг шоҳиди бўлдик. Пештахтани тўлдириб турган кўркам кийим-кечак, эҳтиёжталаб бошқа моллар қатори бадиий адабиётга алоҳида ўрин ажратилган. Бу — чуқур маъно англатади. Шунингдек, замонавий новвойхона, тиббиёт маркази, кўркам мактаб...

Қурувчи ёшлар яна бир қишлоқ тиббиёт маркази биносида пардозлаш ишларини якунлаётир. Ҳадемай у ҳам чўпон-чўлиқларга хизмат қила бошлайди.

Сиз энди тасаввур қилинг — бу ўзгаришлар Навоий шаҳридан 200 километрча нарида — Қизилқум қўйнида бўлаётир...

Бу йил Зарафшон ҳам тўлиб-тошиб оқмоқда. Бунда ҳикмат кўп. Кўпни кўрган оқсоқоллар: — Бу — қут-баракадан далолат, — дейишмоқда. Ва бунинг амалдаги далилини ҳар қадамда учратиш мумкин. Қишлов учун ғамлаб қўйилган хашак ғарамлари, денгиздай яшилланиб ётган иккинчи экин, оқ-оппоқ пахта, тилларанг қовунлар...

Ҳаётни ҳаракатга келтираётган кишилар, уларнинг саъй-ҳаракати туфайли юзага келаётган ўзгаришлар ҳақида ўйлар экансиз, уларга қудрат бағишлаётган — шу она заминга бўлган муҳаббат эканлигини юрак-юракдан ҳис этасиз. Асли миллати олмон бўлган навоийлик олтинтопар Оскар Вентланд шундай дейди: — Атиргул қуёшга қанчалик талпинса, заминга шунчалик чуқур илдиз отади. Биз нур эмадиган тип-тиниқ осмон, биз куч оладиган замин — Ўзбекистондир.

Пешона терига йўғрилган тупроқ... У дуру жавоҳир инъом этишга қодир. Шунинг учун ҳам биз уни тўтиё биламиз,

«Тупроғинг бебаҳо, Ватан!» дея астойдил эъзозлаймиз.

*Ғаффор ҲОТАМОВ*

## Ваҳшийлик

Толибон ҳаракати шундай босқинчиликки, у Афғонистондаги халқларни миллий ва диний эътиқодига кўра қирғин қилмоқда, деди кеча Теҳронда журналистлар билан учрашув пайти Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий. Толиблар ўзбеклар, туркманлар, хазорийлар ва бошқа халқларга нисбатан зулм ўтказмоқда. Толибларнинг бу ҳаракати, деб таъкидлади Ҳотамий, наинки мусулмончиликка тўғри келади, балки бутун инсониятга қарши оғир жиноятдир. Мен яна бир бор таъкидламоқчиманки, афғон муаммосини тинч йўл билан бартараф этиш афғон миллатини бирлаштирибгина қолмай, балки мамлакатни ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий инқироздан олиб чиқишга ёрдам беради. Бунинг учун бутун жаҳон жамоатчилиги барча чораларни кўриши зарур. Президентнинг айтишига кўра Эрон Афғонистон томонидан ўз мамлакатига нисбатан катта хавфни кўрмоқда. Эрон фуқароларини толиблар асирлигидан қутқариш ҳам муҳимдир. Эронлик 11 дипломат, ИРНА агентлигининг мухбири ва 36 ҳайдовчининг Мозори Шарифда гаровга ушлаб турилиши Эрон — Афғон чегарасидаги сиёсий вазиятни бузиб юбормоқда.

Толибонларнинг юқори мансабли вакили Вакил Аҳмад Мутаваккил Би-Би-Си радиосига берган суҳбатида йўқолиб қолган 9 эронлик дипломат ўлдирилганлигини ва Мозори Шарифдаги қардошлик қабристонига дафн этилганлигини маълум қилди. Унинг айтишига кўра раҳбариятнинг гапига қулоқ солмаган толиблар уларни ўлдиришган. Яқин келажакда марҳумларнинг жасадлари Эронга қайтариб берилади.

## Нон ўлчаб берилмоқда

Москва вилоятидаги Жуковский шаҳри аҳолисига 9 сентябрдан бошлаб ҳар бир қўлга 2 килограммдан ошмайдиган миқдорда нон сотилмоқда. Шаҳар раҳбарлари шу йўл билан нон етишмовчилиги олдини олишга эришишмоқчи. Чунки шаҳарликлар талвасага тушиб, дўкон очилиши билан барча нонларни қисқа муддатда сотиб олиша бошлашди. Бинобарин, маҳаллий нон комбинати ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотни икки баробарга кўпайтирган эди. Дубно, Зарайск, Домодедово ва бошқа шаҳарларда ҳам худди шундай усул билан нон маҳсулотлари сотиш ҳажми чегараланмоқда. Москванинг ўзида эса, Юрий Лужковнинг айтишига кўра, нон маҳсулотлари сотишда ҳеч қандай чегаралашлар йўқ.

## Ҳалокатга бир баҳя қолди

Гонконгнинг «Айрбас» самолёти Самара шаҳри осмонида «ТУ-154» самолёти билан тўқнашиб кетишига бир баҳя қолди. Цюрих — Гонконг йўналиши бўйлаб 10 минг метр баландликда учаётган самолёт рўпарасидан бир ярим километр масофада «ТУ-154» учиб келаётганлиги учувчига маълум бўлиб қолгач, «Айрбас» самолёти штурмани самолётни четга олиб қочиб, 260 йўловчини ўлимдан сақлаб қолди. Бироқ, штурман жуда қўрқиб кетганди, у зўрға ўзига келди. Йўловчилар эса самолёт Гонконг аэропортига қўниши биланоқ шампань виноларини очишиб, саломатлик учун уриштирдилар.

## Саралаган бўлинма ташкил этилади

Колумбия Президенти Андрес Пастрана давлат хизматидаги коррупцияга қарши курашувчи саралаган бўлинма тузиш ҳақида қарор қилди. Президентнинг айтишича, коррупцияга алоқадор киши, ким бўлишидан қатъи назар, жазоланиши керак.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Колумбия Лотин Америкасидаги коррупция энг кенг тарқалган мамлакат ҳисобланади.

## Бола ўғрилари қўлга олинди

Хитойда аёллар ва болаларни ўғирлаб сотиш билан шуғулланиб келган жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди. Улардан 7 нафари тўғридан тўғри ўлим жазосига ҳукм қилинди, яна 50 кишига маҳаллий суд томонидан узоқ йиллик қамоқ жазоси берилди, деб ёзади бу ерда чиқадиган «Фачжи Жибао» газетаси.

Айни пайтда қидирувда бўлган тўдабоши — Ли Цяньи бошчилигидаги бу гуруҳ Фуцзян вилоятида юзлаб аёллар ва болаларни ўғирлаб, уларни қул сифатида сотган.

## Дунё дарчаси




## Нобель мукофотига номзод

«Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, Чехия президенти Вацлав Гавел бу йил бериладиган Нобель мукофотига номзод қилиб кўрсатилди. У 1989 йилда Чехословакияда амалга оширган «кимхобий инқилоб» учун номзод бўлди. Гавел аввал ҳам «Прага баҳори»нинг 30 йиллиги муносабати билан ушбу мукофотга номзод қилиб кўрсатилган эди. Бу йилги Нобель мукофотига номзодлар орасида Шимолий Ирландиядаги тинчлик шартномасининг муаллифлари — БМТ Бош котиби Кофи Аннан, АҚШ Президенти Билл Клинтон, Рим Папаси Иоанн Павел, Қутқариш армияси ва «Врачларга чегара йўқ» хайрия ташкилоти ҳам бор.

## Қатл этилганлар кўмилган жой топилди

Косовонинг Глоджан қишлоғида «Косово Озодлик Армияси» жангарилари томонидан оммавий қатл этилганлар кўмилган жой топилди. Маълумотларга қараганда, қурбонларнинг 50 нафаридан ортиқроғи серб ва албан миллатига мансубдир. Ўлимидан олдин жангарилар томонидан қийноққа солинганини тасдиқловчи излар бўлган 12 та мурда халқаро дипломатик миссия ва журналистларга кўрсатилган. Югославия Ички ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, яқинда «Косово Озодлик Армияси»дан озод этилган Глоджан қишлоғи жангарилар учун асосий таянч жойи бўлган.

## 46 йил уйқусиз...

***Вьетнамнинг «Нгьюй лао донг» газетаси чоп этган хабарга ишонадиган бўлсак, 54 ёшли Нгуен Тхи Ханг исмли аёл 31 йилдан буён уйқу нималигини билмайди. Шу сабабли у икки маротаба ўз жонига қасд қилишга уриниб кўрди. 1965 йили биринчи фарзандини дунёга келтиргач, у уйқусидан айрилди. Шарқ табобати дориворлари ҳам, чет эл дори-дармонлари ҳам унинг дардига даво бўлмади.***

***Тўғри, бу хабар бироз ишонарсиз бўлиши мумкин, аммо хроник колестит (яъни мутлақ уйқусизлик), кам бўлсада, тиббиётда учраб туради.***

***1986 йили кубалик 53 ёшли ишчи Томас Искьер ҳақида турли гап-сўзлар тарқалди. Бу одам 41 йил давомида ҳатто мизғиб ҳам олмаган экан. Кубалик машҳур руҳшунос олим Недро Флейтис Томасни 16 йил давомида даволаган. Врачлар фикрича, бемор 13 ёшида энцефалит касалига йўлиққан ва шунинг натижасида уйқусизлик балосига дучор бўлган.***

***Бангладешлик 40 ёшли давлат хизматчиси Абдур Раззоқ 15 йил ухламаган. 1993 йил «Пекин дейли» газетаси берган хабарга кўра, хитойлик 53 ёшли аёлнинг 16 йил мобайнида уйқуси келмаган.***

***Уйқусизлик бўйича рекордни жанубий Ҳиндистон фуқароси, 80 ёшли Вадакенгар Карим Ботир Муҳаммад ўрнатди. 1994 йили «Индия экспресс» газетасининг ёзишича, бу одам 46 йил мобайнида умуман ухламаган. 35 ёшида кўзи оғригач, ухламайдиган бўлиб қолган. Врачлар унинг дардига даво топа олмадилар. Ҳатто энг кучли афсунгарлар ҳам унга ёрдам бериша олмади. Хабарларга ишонадиган бўлсак, жаноб Муҳаммад ўзини соғлом ва бақувват сезади. Уйқусиз тунларида Қуръони Карим мутолааси унга ором бағишлайди.***

***Уйқусизлик-ку майли-я, аммо тиббиёт тарихида кўп ухлаш ҳодисаси ҳам учрайди. Кўп ухлаш бўйича флоридалик Эйлен Эпозитога ҳеч ким тенг кела олмаса керак. 1941 йилда операция пайтида у чуқур уйқуга кетди ва шу йўсинда умуман уйғонмади. Орадан 37 йилу 111 кун ўтгач, 1979 йили ҳушига келмасдан вафот этди.***

***Италиялик аёл Беттино Поеро кўп ухлаш натижасида машҳур бўлди. 1864 йили 15 ёшида уйқуга кетди ва шу куйи ўзига келмай 88 ёшида вафот этди. Унинг уйқуси 73 йил давом этган. Уйқуга бой ҳаёти давомида у бор-йўғи тўрт маротаба кўзини очган. Ана шундай пайтда аҳоли унинг ҳузурига тўп-тўп бўлиб келаркан. Чунки улар бу аёлни сирли хислатга эга деб билишарди.***


***Швецияда яшаган Каролина Олсон ҳам «уйқучилар» сирасига киради. 1876 йили 14 ёшли Каролина мактабдан қайтаётиб муз устига йиқилиб тушган ва қаттиқ бош оғриғига йўлиққан.***

***Бир неча кундан сўнг қизча қаттиқ уйқуга кетади, уни ҳеч ким уйғота олмайди. Врачлар унга нина тиқиб ташлашди, аммо фойдаси бўлмайди.***

***Каролинанинг онаси узоқ йиллар мобайнида қизини сомонча орқали сут ва шакарли сув бериб овқатлантириб турди. Сўнг 1904 йилда вафот этди. Шундан сўнг қўшни бева аёл Каролинага қараб турди. 3 апрель куни уйга кириб келган аёл Каролинанинг ярим уйқу ҳолда хонанинг у бошидан бу бошигача тинимсиз юраётганини кўрди. Қиз «ойи, ойижон!» деб онасини чақирди. Уйғонгач эса унинг биринчи сўраган нарсаси шўр балиқ бўлди.***

***Каролина 14 ёшигача бўлган ҳамма воқеаларни жуда яхши эсларди, у 46 ёшида ҳам 25 ёшли кўринарди. Унинг уйқуси 32 йил 42 кун давом этди. Қизиғи шундаки, уйқудан уйғонганидан сўнг икки ой ўтгач, у нормал ҳаёт тарзига қайтди. Каролина яна 42 йил яшади ва 1950 йилнинг апрелида вафот этди.***

## Кўл бўйи



*Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига*

# Аҳмад ал-Фарғоний муҳаббати

*Йўлдош СУЛАЙМОН*


***(Шу номли шеърий драмадан тўртинчи парда, бешинчи кўриниш)***

**Учинчи кўринишдаги ҳолат. Ал-Фазор ичкаридан чиқиб келади.**

**АЛ-ФАЗОР:**
*Билмадим не ўзи имон, диёнат,*
*Ҳатто фарқламасдим недир хиёнат.*
*Билмасдим инсоний оқибатларни,*
*Пул деб ўйлар эдим гўзал қадларни,*
*Билмасдим муҳаббат борми ёки йўқ,*
*Билмасдим юракка тушадими чўғ.*
*Камбағаллик нима, нима муҳтожлик,*
*Менга улуғ эди ким бўлса тожлик,*
*Робияни излашим очди кўзимни.*
*Ҳатто фарқламасдим недир хиёнат.*
*Билмасдим инсоний оқибатларни,*
*Пул деб ўйлар эдим гўзал қадларни.*
*Билмасдим муҳаббат борми ёки йўқ,*
*Билмасдим юракка тушадими чўғ.*
*Камбағаллик нима, нима муҳтожлик,*
*Менга улуғ эди ким бўлса тожлик.*
*Робияни излашим очди кўзимни,*
*Фарғоний танитди менга ўзимни.*
**(Кўча эшикдан Йаъқуб ал-Киндий келиб, ал-Фазорни ҳайрат билан тинглайди)**
*Юрган йўлларимда, сўзимда хато,*
*Шу кунгача ўтган ўзимдан хато.*
*Очилган дилимни эшитадиган,*
*Хом сўзимни қайта пишитадиган*
*Одамни топмадим излаган билан,*
*Атрофимда эса чаёну илон —*
*Бири дўстдай бўлиб қўлин узатган,*
*Бири ҳар онимни қўймай кузатган!*
*Қўлинг узун энди Яҳё ибн Мансур,*
*Ва аммо барибир ўзим сендан зўр.*
*Шу йўлга тикилган ал-Фазор жони,*
*Билиб қўй ўртада бордир Фарғоний.*
**(Йаъқуб ал-Киндий йўталиб ўзини сездиради)**
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*Сассиқ капа ичра очилган гулдай,*
*Ёстиқ қучоқлаган бечора тулдай*
*Аламу армонга йўғрилган сўзинг,*
*Нега нолияпсан ўзингдан ўзинг.*
*Гоҳо Фарғонийга тоғ деб қарайсан,*
*Гоҳ ҳамма одамно зоғ деб сайрайсан.*
*Нима бўлди ўзи сенга ал-Фазор?!*
**Ал-ФАЗОР:**
*Ўзимдан ўз-ўзим чекканман озор!*
*Ёмон одам худди қозон куяси,*
*Унга суяниб мен бандаи осий*
*Юзим қора бўлди, қўлим ҳам қора,*
*Лаънатга қоришдим не диллар аро!*
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*Сўзингни эшитиб хира бўлди таъб,*
*Нима қилиб қўйдинг, ўтди нима гап?!*
**Ал-ФАЗОР:**
*Қора қилмишимни Фарғоний билар,*
*Унинг яхшилиги бағримни тилар.*
*Кейинча барини сўзлаб берарман,*
*Дилимни бўшатиб бўзлаб берарман.*
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*Кўзингдан сезилар адоқсиз нидо!*
**Ал-ФАЗОР:**
*Бугун Шаммасуя тепалигида*
*Кузатишяпти-ку куннинг куйишин.*
*Мен-ку тушунмайман буларнинг ишин —*
*Бошқа хаёлларда қотган суягим.*
*Нега бормадингиз Шаммасуяга,*
*Фарғонийнинг яқин одамисиз-ку?*
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*У билан тенгма-тенг ишлаган биз-ку.*
*Бирга эдик, Кунни кузатдик бирга.*
*Баъзи тахминларни тузатдик бирга.*
*Оломон ўраган кейин афтидан —*
*Савол-жавоб қизиб қайтишмабди-да!*
**Ал-ФАЗОР:**
*Эй, қани, ўтиринг, мана, мен борман.*
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*Етиб келишгунча қайтиб келарман.*
*Китоб дўконига киришим лозим,*
*Масжидда ўқийман пешин намозин.*
**(Йаъқуб ал-Киндий чиқиб кетади)**
**Ал-ФАЗОР: (қуёшга қарайди)**
*Кун ҳам ўз ҳолига келиб олибди.*
*Дарвоқе пешин ҳам бўлиб қолибди.*
**(У жойнамозини олиб, ичкарига кириб кетади. Жим-житлик. У ёқ-бу ёққа аланглаб кириб келган Яҳё ибн Мансур таажжубланади)**
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Ҳей, ким бор? Ҳей, ким бор? Наҳот ҳеч ким йўқ!*
*Одам шарпасидан ҳатто учқун йўқ!*
*Қаёқларда экан ҳаром ўлгурлар,*
*Ажалидан олдин гумдон бўлгурлар!*
**(У яна у ёқ-бу ёққа қулоқ тутади)**
*Келади, барибир келар Фарғоний,*
*Мени кўрса чиқар яна фиғони.*
*Номин эшитиш ҳам ғашимга тегар,*
*Шундай улғайишин билганимда гар —*
*Нени хаёл қилсам этардим адо,*
*Йўқ қилиб ташлардим ўша Қубада!*
*Нега кутганимдай ўлиб кетмади,*
*Йўлларда ёки ем бўлиб кетмади?!*
*Темирдан эканми унинг вужуди,*
*Ўлмаслик сувини ичгандай худди.*
*Эй, келиш осонми Бағдодга яёв!*
*Оёқ тагидаги чумолидай ёв —*
*Тоғ мисол турибди бугун қаршимда,*
*Адашган эканман ўзим аршимдан!*
**(Яҳё ибн Мансур секин юриб, томошабинлар билан юзма-юз бўлади. Чап тарафдаги хоналардан бирининг дарчасидан жойнамозини йиғиштириб, ўрнидан қўзголган ал-Фазор кўринади, ўзини хилватга олиб, Яҳё ибн Мансурга қулоқ тутади)**
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Ҳар битта одамнинг ўзи бир китоб,*
*Уни ўқимоққа бера олсанг тоб —*
*Шунда юрагига кириб борасан,*
*Ажрата оласан оқу қорасин.*
*Ҳукм ўқий олмасанг ўзингга ўзинг,*
*Бебурдлик либосин кияди сўзинг.*
*Робияни ўзим олиб қочганман.*
*Аҳмаднинг номидан дилин оғанман.*
*Кейин ўзни тутдим ўғирлатгандай,*
*Хатоликлар ўтди кейинча, андай...*
*Аҳмад борасинда жуда адашдим,*
*Нимага шошдим мен, нимага шошдим.*
*Қўшиб юборибман ҳатто карвонга,*
*Лаънат бўлсин ўша ҳовлиққан онга.*
*Мўътасимга энди суяниб бўлмас,*
*Ўша ал-Фазорни ўлдираман, бас.*
*Ўлдираман яна Абу Машарни.*
*Мен ким, истамасам улар яшарми?!*
*Уддалайман буни ўз йўли билан,*
*Пулга учарларнинг ул қули билан!*
*Менга арабларнинг омади керак.*
*Ўзгалар давруғин кўтармас юрак.*
*Ҳалифа арабдир, вазирлар араб,*
*Юртни сўрашяпти қаёққа қараб?!*
*Қулликка маҳкумдир Эрону Турон,*
*Кечаги тўфону кечаги сурон —*
*Бари-бари ахир бекорғамиди,*
*Боболар курашган шуҳрат ғамида!*
*Араб очган ахир «Байтул ҳикма»ни,*
*Ё худоим, ўзинг кечиргил мени.*
*Ахир биз ёйдик-ку ёлғиз динингни,*
*Минг шукур кўряпмиз ёруғ кунингни.*
*Лекин кам арабдан аллома одам.*
*Кеча Хоразмдан, бугун Қубадан,*
*Шуларни ўйласам титрайди бадан!*
*Эй, миллатдошларим, кимлар тарафсиз,*
*Ўзни кўтармайсиз қандай арабсиз?!*
*Унга оғзингизни очиб қараб Сиз —*
*Фарғоний олдида энди саробсиз!*
*Эмиш, у дунёга устози соний,*
*Мен учун қўрқинчсан Аҳмад Фарғоний!*
*Араб осмонининг юлдузи бўлиб,*
*Хаёлимиз тунин кундузи бўлиб —*
*Ўзини кўрсатган Йаъқуб ал-Киндий,*
*Суфеи бин Юсуф, ор йўқми жиндай?!*
*Аррам ибн ас-Асбаъ, ал-Фазл ал-Давла,*
*Нега индамайсиз ё борми ғовлар?!*
*Ҳиссам ал-Қалбийсиз, яна ал-Жиҳоз,*
*Дилингизда борми ахир бирор роз?!*
*Она миллатимиз шаънин ютқазиб,*
*Олтиндан қимматли вақтни ўтказиб —*
*Юрибсиз Фарғоний оғзига қараб,*
*Сизга ҳайф тож-тахту Сизга ҳайф араб!*
**(У иккала қўлини мушт қилиб, асабий силтади)**
*Ўртамасин нега дилларни алам,*
*Ундан қўрқар ҳатто халифамиз ҳам?!*
*Араблар, араблар, қандай арабсиз?!*
*Фарғоний олдида энди саробсиз?!*
**(У томошабинга интижоли тикилади)**
*Уни ўз ҳолига қўя олмайман,*
*Изидан қолмайман, асло қолмайман!*
*Тортган азобимнинг шудир асоси,*
*Армон бўлиб қолмас аммо қасосим!*
*Робияни жондан ортиқроқ суйган,*
*Билишимча, ҳамон ишқида куйган —*
*Бошқага сочмабди орзу-хаёлни,*
*Ўйлаб ҳам кўрмабди бирор аёлни!*
*Ҳамон Робияни дараклар эмиш,*
*Сўзлаганда кўзи ярақлар эмиш.*
*Унинг Робияси тайинлик жойда,*
*Ҳар куйга соламан беролса фойда.*
*У катта савдогар саройидадир,*
*Қисматида недир бўлгандир содир.*
*Қоҳирада яшар ўша савдогар.*
*Унга каттароқ пул тўласам агар —*
*Бутун ихтиёрин берар қўлимга,*
*Не десам Робия юрар йўлимга.*
*Букилиб бўлгандир эҳтимол ул қад,*
*Суриштириб топиб, ёздираман хат.*
*Роса очтираман дилин қатини,*
*Танийди-ку ахир унинг хатини!*
*Ёзар олисдаман, Бағдоддаман деб,*
*Келасизми, Аҳмад, бизлар томон, деб.*
*Ўйлаб-ўйлаб фикрим либосин кийди,*
*Иккаласи энди бир-бирин ейди.*
*Ал-Машар-ку сўзни кўнглидан узмас,*
*Қўрқади энди у орани бузмас!*
**(Яҳё ибн Мансур кета бошлайди. Ал-Фазор дарчадан сакраб тушади)**
**Ал-ФАЗОР:**
*Қаёққа кетяпсан, тўхта мунофиқ!*
**(Яҳё ибн Мансур ҳайратланиб, гоҳ ер, гоҳ осмонга қарайди. Ал-Фазор унинг олдига ўтиб, йўлини тўсади)**
**Ал-ФАЗОР:**
*Кўчага чиқиш йўқ, эшиклар ёпиқ!*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Сени кўриб турганим чинми,*
*Ўзинг эмас, ёки бу жинми?!*
*Ул гуноҳкор қулоғинг дингми,*
*Сўзларимни, ҳей, эшитдингми?*
**Ал-ФАЗОР:**
*Нега ботиб кетяпсан терга,*
*Не мақсадда келдинг бу ерга?*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Аввал сен айт савол жавобин!*
**Ал-ФАЗОР:**
*Биласан-ку эмасман тобе!*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Паноҳ сўраб кепсан-да, илон,*
*Сирлашдингми Фарғоний билан?*
**Ал-ФАЗОР: (ёлғон сўзлайди)**
*Ҳозиргина келдим уни сўроқлаб,*
*Учрашган чоғимда ўзимни оқлаб —*
*Бор гапларни айтиб, сўрайман узр.*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Сени кўриш унинг кўнглини бузар!*
*Алдаяпсан, кўрган бўлишинг керак,*
*Мени алдаяпсан, ўлишинг керак.*
*Сен тубансан, бирор сўзинг рост эмас!*
**Ал-ФАЗОР:**
*Сезгим бор, ҳиссим бор, мен ҳеч ҳас эмас.*
*Мени тубан дединг менсимай қитдай,*
*Ўзинг ҳам эгасиз дайдиган итдай*
*Кун кўрасан ҳали, қани, шошмай тур,*
*Кўз мошдай очилар ҳаддан ошмай тур!*
*Яширмасдан сўзим якунин айтай:*
*Ўша тубанликка ўзингни отай!*
*Заҳарга айланар ошингу тузинг,*
*Пасткашларнинг кунин кўрасан ўзинг.*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Йўқдир сенинг оринг, йўқ сенинг эсинг,*
*Доғ туширдинг араб деган номга сен.*
*Янчилар барибир ниқобли юзлар.*
**Ал-ФАЗОР:**
*Муаммо қилмасдан очиқроқ сўзла.*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Гуруринг, шууринг, ифтихоринг ким?*
*Ўзинг арабсан-ку, мададкоринг ким?*
*Қуллар авлодига тобе бўлишлик —*
*Тубанлар ичида тубан ўлишлик!*
*Гапни айлантирдинг савол сўрасам...*
**Ал-ФАЗОР:**
*Ким тубан, ким пасткаш ҳали кўрасан.*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Уйласам ҳамиша даврон сурибман,*
*Сенга алам қилар билиб турибман.*
*Дунёга келганман яйраб яшашга,*
*Иқбол қуши қўниб турибди бошга.*
**Ал-ФАЗОР:**
*Энди довдирабсан, сен, эй, кўп шошма,*
*Кунингни кўрасан, ҳаддингдан ошма!*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Эҳтимол кўрарман, балки кўрмасман,*
*Ҳозир сен ер бўлсанг, мен ахир осмон.*
*Бошқа чиқолмайсан юрган йўлимдан,*
*Эндиги тақдиринг менинг қўлимда.*
**(Яҳё ибн Мансур ёнидан ханжар чиқариб, унга урмоқчи бўлади)**
*Тамомсан, ал-Фазор, етди ажалинг.*
**(Ал-Фазор унинг ханжар тутган қўлини ушлайди)**
**Ал-ФАЗОР:**
*Мени ўлдиришга етмас мажолинг.*
**(Иккиси олишиб турганда ал-Фарғоний ва унинг ҳамроҳлари кириб келадилар)**
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*О, Яҳё ибн Мансур, не бўлди Сизга,*
*Минг ҳасанот пойи қадамингизга!*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Сизга бўлган меҳрим дилимда тўлиб,*
*Яшаш гўшангизни кўрмоқчи бўлиб —*
*Келганимда уни учратдим ногоҳ,*
*Макру ҳийлалардан бўлайлик огоҳ!*
*Ёлғонни ўйласа, майли, ўйласин,*
*Оғзига сиққанин, майли сўйласин.*
*Маълум-ку бу шайтон босиб ўтган из,*
*Эътибор бермаймиз, аммо унга биз.*
*Халифага азиз иккимиз бирдай,*
*Шайтонлар шайтони огоҳ бу сирдан.*
*Сизни излашидан мақсади ўзга,*
*Ёв этмоқчи бизни бир-биримизга.*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Ҳар кимнинг нияти ўзига аён,*
*Кўпайиб боряпти илону чаён.*
*Хурсанд чиққан эдим расадхонадан,*
*Юз ёруғ илмимиз топган маънодан.*
*Кўнгилсиз учрашув кутди кулбамда,*
*Тўйдим кўзлардаги ёлғончи намдан.*
*Сўзламоқ кишининг кўнглини ёзар,*
*Сўзланг, нега жимсиз, Сиз, эй, ал-Фазор?!*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Гапиролмай қолди мени кўрган чоғ,*
*Ўлдирмоқчи бўлиб, ўқталди пичоқ.*
*Тортиб олдим, мана, унинг қўлидан,*
*Кўпчилик олдида не дейди яна?*
**(Ал-Фарғоний ал-Фазорга қарайди)**
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Наҳотки, наҳотки, пичоқ Сизники?*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Ундан тортиб олдим, бу ўзиники!*
*Мен ундан, махлуқдан қиламан ҳазар.*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Сўзлолмай қолдингиз нега ал-Фазор?*
**Ал-ФАЗОР:**
*Ҳамма-ҳамма гапи ёлғон-ку бунинг!*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Кўзингни катта оч, тугади куниинг!*
**(Ал-Фазор ал-Фарғонийга жовдираб тикилади)**
**Ал-ФАЗОР:**
*Нима дейишимни билолмай қолдим.*
*На йиғлай ва на кулолмай қолдим.*
*Биласиз-ку менда пичоқ йўқлигин,*
*Одам ўлдиришга ҳеч чоғ йўқлигин!*
*Сиз менга ишонинг дея олмайман,*
*Уни фош этишдан, аммо қолмайман.*
**Яҳё ибн МАНСУР:**
*Ўша Робияни ўғирлаган шу!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Тўкилмасин ё раб, кўзимдан ёшим.*
**(У Яҳё ибн Мансурга ғазаб билан тикилади)**
*Робияни ҳаром оғизга олманг,*
*Унинг қутлуғ номин бозорга солманг.*
*Ялинаман мени қўйинглар холи,*
*Энг аввал иккингиз кўздан йўқолинг.*
*Жаллодсиз, жаллодсиз, иккалангиз ҳам,*
*Сизга дуч келмаслик ярамга малҳам!*
**(Яҳё ибн Мансур билан ал-Фазор бирин-кетин чиқиб кетади)**
**Абу Машар МАРҒИЛОНИЙ:**
*Ўзида эмасдай ал-Фазор ҳуши.*
*Ҳа, у тавбасига таянган киши!*
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*Ҳақиқат тошига урилган боши,*
*Гоҳ етиб, гоҳ етмай турибди доши.*
*Унинг ҳам оғзидан тушмас Робия,*
*Туришидан унинг вужуди куяр!*
**(Кўчадан қайтиб келган ал-Фазор ал-Фарғонийга яқинлашади)**
**Ал-ФАЗОР:**
*Йўқ, устоз, вужудим куяр Сиз учун!*
*Яҳёнинг сўзида йўқдир бирор чин.*
**Абу Машар МАРҒИЛОНИЙ:**
*Ўхшаши йўқ кучли туйғунга,*
*Сенинг ўша бору йўғингга*
*Ақлинг энди яқинлашаяпти,*
*Шунинг учун ёрқинлашяпти*
*Сўзларингнинг маънолари ҳам.*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Ҳали ал-Фазорнинг қарашлари хом:*
*Даволамоқ зарур ҳали дилини,*
*Сўзлашга ўргатмоқ керак тилини.*
*Даволамоқ зарур руҳий оғриғин.*
**Ал-ФАЗОР:**
*Чидашим лозимдир энди барига!*
*Йўқол десалар ҳам ҳатто юзимга.*
*Сизларни деб яна қайтдим изимга!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Дилимдагин билиб қайтибсан яхши,*
*Ҳалиги сўзларим кўнглимнинг акси.*
*Яҳё ибн Мансур-ла олишиб бўлмас,*
*Кўзига ўзгалар кўринар бир ҳам!*
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*Ёшликдан биламан ўша Яҳёни,*
*Арабдан ўзгага бегона қони.*
*Ўзингизни унга яқин тутяпсиз,*
*Шайхлар баттолидан нима кутяпсиз?*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Тўрларга ўралиб боряпти куним,*
*Вазирдай кўради халифа уни.*
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*Алоқани узинг бари-баридан,*
*Ўтсин машмашалар биздан наридан.*
*Сиз билан дўстлашдим эсимни таниб,*
*Робия, Робия, дейсиз, у қани?*
*У йўқ ахир, унга дилни ёряпсиз,*
*Уни кутиб-кутиб қариб боряпсиз.*
*Бошқа аёл йўқми шундай оламда,*
*Йўқотинг хаёлни, қутилинг ғамдан.*
*Ул Яҳё ибн Мансур учраган чоғда —*
*Хоҳи боғда бўлсин, ё хоҳи тоғда —*
*Сиз ҳам, Робия ҳам керак эмас денг,*
*Ҳайронликдан бўлар қулоқлари динг.*
*Шунда тинч ёнади қалбингиз шаъми!*
*Ё яшаш маъноси фақат ўшами?*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Ўша!*
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*Нега унда илм қиляпсиз?*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Ал-Киндий, Сиз нега дилни тиляпсиз?*
*Одамларга бўлган ишқим ичида —*
*Робия хаёли ҳар он авжида!*
*Эс-ҳушим кетмади ўзга малакка,*
*Илтижо этаман фақат фалакка.*
*Ошиқман ўшанга, Юлдузга, Ойга,*
*Ўзни бағишладим шундай чиройга,*
*Улар бир-бирига қоришиб кетган,*
*Билинг, ал-Фарғоний муродга етган.*
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*Сизга ҳайрон қоламан, рост, туриб-туриб,*
*Ҳаёт билан хаёлни аралаштириб —*
*Робияни кутасиз, уни ёд этиб,*
*Яшаяпсиз бемалол ўзни шод этиб!*
*Хаёлда ўпасиз унинг изини,*
*Шунча алдайдими одам ўзини?!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Яна битта илмий ишни бошлаб қўйдим астойдил,*
*Қидиришдан, изланишдан таскин топиб турар дил.*
*Юракдаги муҳаббату ҳамма билиму қўрни*
*Яна осмон жисмлари ҳаракати ва ўрни*
*Ҳақида янгича бир «Зиж» яратишга киришдим,*
*Қўлларимдан келганича ўргандиму тиришдим.*
*Ўттиз бобдан иборатдир яратилган офтобим:*
*«Мажистийга киришнинг фаслари китоби»*
*«Етти иқлим ҳисоби» бор, бу ёшларга хатларим,*
*«Фазовий асбобларда... мармарнинг хизматлари»...*
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*Ҳозир кўриб келган расадхонамиз.*
*Сизнинг изингиздан топган маъноми!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Унинг ичида ҳам Робия бордир,*
*Жисму кучимда ҳам Робия бордир.*
**Абу Машар МАРҒИЛОНИЙ:**
*Кун булутни ёриб чиққандай бирдан,*
*Меҳмон келди, устоз, яна Мисрдан!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Мисрдан?*
**(Меҳмон кириб келади)**
*Хуш келибсиз манзилимизга!*
**МЕҲМОН:**
*Ҳукмдоримиздан саломлар Сизга!*
*Арзу ниятлари хатга битилган.*
**(Меҳмон мактубни Фарғонийга узатади)**
**Ал-ФАРҒОНИЙ (хатни ўқийди)**
*Ҳурмату эҳтиром изҳор этилган!*
**(Кейин атрофга кўз югуртиради)**
*Бағдоднинг Мисрдаги ноиби туркдир,*
*Бу асли дилдаги пинҳоний кўркдир!*
*Исми Тўлин бўлган шу нойиб чорлаб,*
*Ота-онам руҳи йўлимда порлаб*
*Иш бошлайман энди Қоҳирада ҳам.*
**МЕҲМОН:**
*Элнинг ярасига қўясиз малҳам!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Ўтган йил у ерга бориб келганман,*
*Аҳдимни айтганман шунда элга мен.*
**МЕҲМОН:**
*Ҳаётингиз ўтсин доим осуда!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Ердаги гўзаллик офтоби сувдан.*
**МЕҲМОН:**
*Нил сувин ичганлар куйиб кетганлар,*
*Ноҳақ солиқлардан тўйиб кетганлар.*
*Ҳеч чора тополмай юрибди улар,*
*Бугун Сизни кутиб турибди улар.*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Кўтарилса сувнинг сатҳи гар баланд,*
*Солиқ солинади шу ҳолга монанд.*
*Сув сатҳи камайиб, қурғоқ келса йил,*
*Ҳисоби бошқача бўлади!*
**МЕҲМОН:**
*Қойил!*
*Сув сатҳига қараб олинар солиқ.*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Бу ишга ҳам мадад беради Холиқ!*
**МЕҲМОН:**
*Ноҳақлик бағридан қутқаринг бизни,*
*Кўзларни тўрт қилиб кутамиз Сизни!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Нил дарёсин сатҳин белгилаш учун*
*Ускуна ясашга сарфлайман кучим!*
**МЕҲМОН:**
*Бу иш деҳқонларга қанчалар фойда.*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Учрашиб қолармиз келгувси ойда!*
**МЕҲМОН:**
*Саховатингизга устоз минг раҳмат!*
**Йаъқуб ал-КИНДИЙ:**
*Меҳмон ичкарига, қани, марҳамат!*
**(Йаъқуб ал-Киндий, Абу Машар Марғилоний, ал-Фазор ва бошқалар меҳмонни ичкарига бошлайдилар. Ал-Фарғоний ёлғиз қолиб, у ёқ-бу ёққа қарайди. У чап тарафдаги хона токчасида турган китобларни қўлга бир-бир олади. Ал-Фазор қайтиб чиқади)**
**Ал-ФАЗОР:**
*Қоҳирага бориш Ҳудодан бўлди,*
*Энди ҳаётингиз кемтиги тўлди.*
*Тушар бағрингиз санчилган тикан,*
*Робия Қоҳира шаҳрида экан!*
*Англадим Яҳёнинг валдирашидан.*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Тўхта-тўхта, қани, сўзла бошидан,*
*Ҳозир дарё оқар кўзим ёшидан.*
**Ал-ФАЗОР:**
*Худо берган Сизга буюк дошидан.*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Сўзлама, сўзларинг бўлса гар миш-миш.*
**Ал-ФАЗОР:**
*Битта савдогарнинг қўлида эмиш.*
*Бир бошдан қарайман савдогарларни.*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Аяб ўтирмаймиз зебу зарларни.*
*Қоҳирага кетмоқлик керак,*
*Ал-Фазор, тезроқ етмоқлик керак.*
*Ўзга қулоғига етмасин бу сир,*
*Қани, энди меҳмон ҳузурига кир.*
**(Ал-Фазар яна ичкарига кириб кетади)**
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Кераги йўқ асло йиғи-сиғининг,*
*Қани, ёнда бўлса сингил ё иниинг.*
*Ёлғиз эдим асли, яна ёлғизман,*
*Ҳатто жуфти ҳам йўқ — қор босган изман.*
*Робия, Робия, ғафлатда қотдим,*
*Қандай қилиб жоним, сени йўқотдим.*
*Ҳаётимнинг сенсан ёлғиз юраги,*
*Бугун эшитилиб қолди дарагинг!*
**(Хона дарчасини тўсган парда орқасидан Робия кўринади)**
*Сездингми, Робия, соғинганимни,*
*Олов қамраб олган жисму танимни.*
**РОБИЯ:**
*Руҳий юрак ёрилгудай уряпти,*
*Йўлларимни Сиз томонга буряпти.*
*Қочиб келдим, учиб келдим қуш бўлиб,*
*Жаннатда ҳам менга эсу ҳуш бўлиб —*
*Муҳаббат дарсига яна чорлайсиз,*
*Беҳиштдан ҳам гўзал бўлиб порлайсиз.*
*Жаннату дўзахга ҳам сиғмасман.*
*Сизсиз тордир менга Еру кенг Осмон!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Хаёлингсиз ўтган ҳар он танга лат,*
*Мени йўқлаб ҳар келишинг бир жаннат.*
**РОБИЯ:**
*Муҳаббатдан сўзлаб турар кўзингиз,*
*Менинг учун жаннат фақат ўзингиз!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Хаёлингда, идрокингда йўқ ғубор,*
*Ҳатто олган нафасингда севги бор.*
*Кўзларингда ёниб турар ҳарорат,*
*Сўзларингда ёниб турар ҳарорат!*
*Сенинг масъум ва пок севгинг ҳайрати*
*Умрим бўйи вужудимни яйратди.*
**РОБИЯ:**
*Сўзларингдан янграб дардли бир наво,*
*Синган руҳга бўляпти у даво!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Сенга ошиқлигим кўкартирди гул.*
**РОБИЯ:**
*Курашдан толмайди севилган кўнгул.*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Шу ҳис билан ўзни кўрсатдим илмда,*
*Муҳаббат чироғи ёнар йўлимда.*
*Мана, кириб келдинг ўз оёғингда,*
*Тирикман сенинг ул маёғингдан.*
*Овозингнинг қучоғида турибман!*
**РОБИЯ:**
*Очилибоқ мол топтаган кунчаман,*
*Гоҳо-гоҳо Қуба томон учаман.*
*Ўша гўзаллигу ўша тароват,*
*Ичидан шарқираб соғ ўтган равот —*
*Туташиб кетарди жаннатий боққа,*
*Уланарди унинг этаги тоққа!*
*Чўққидан ҳовлига ташлардик нигоҳ!*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Мен улғайган ўша ғўша — бу, эй, воҳ!*
*Сойимиз шарқираб оқяптимикин,*
*Ёшлар унга биздай боқяптимикин?!*
*Ҳали ҳам гулзорми икки қирғоғи,*
*Югурардик Наврўз сеп ёйган чоғи.*
*Қирнинг тепасидан тушган шаршара,*
*Юзга сачрайдиган биллурий зарра —*
*Гўзалдир мен сурган ўйдан минг карра.*
*Ичимда айланиб юрибди наъра —*
*О, Қуба қучоғи, Қуба қучоғи,*
*Эй, сен муҳаббатнинг сўнмас ўчоғи!*
**(Ал Фарғоний Робияга тикилади)**
*Сенинг кўзларингда кўраман уни,*
*Кундузга айланар қалбимнинг туни!*
**РОБИЯ:**
*Менинг ҳам кўнглимда шу гап бор эди,*
*Йўлларимиз боғу кенг гулзор эди.*
**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Онамиз тилида сўзларди ҳамма.*
*Бўзласа шу тилда бўзларди ҳамма!*
**РОБИЯ:**
*Сўзингизни тинглаб, ров бориб келдим,*
*Яна ёнингизга чопиб, ҳориб келдим.*
*Сизсиз татимади менга боғу роғ,*
*Сизни кутиб, Сизга интизор чорбоғ —*
*Соғинчдан эзилиб кетибди жуда,*
*Гўё тор узилган куйнинг авжида,*
*Боғ тўзғиган беҳуш аёл сочидай.*
*О, Аҳмадим, етолмадик ул дамга.*

**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Севги умид бағишлайди одамга.*
**РОБИЯ:**
*Онамиз тилида сўзларди ҳамма,*
*Бўзласа, шу тилда бўзларди ҳамма!*
*Кирнинг тепасидан тушган шаршара,*
*Юзга сачрайдиган биллурий зарра*
*Гўзалдир мен сурган ўйдан минг карра —*
*Ичимда айланиб юрибди наъра —*
*О, Қуба қучоғи, Қуба қучоғи!*

**Ал-ФАРҒОНИЙ:**
*Эй, сен муҳаббатнинг сўнмас ўчоғи!*
**ПАРДА ЁПИЛАДИ**
**(Март — май. 1998 йил)**




# Мусобақа байроғи ҳилпирамоқда

*«Президент кубоги»*

Кеча пойтахтнинг энг кўркам гўшаларидан саналган «Юнусобод» теннис ўйингоҳида ўзига хос байрам бўлди. «Президент кубоги» учун бешинчи марта ташкил этилган мусобақанинг тантанали очилиш маросими мухлисларда катта таассурот қолдирди. Ана шу тадбир арафасида «Интерконтинентал» меҳмонхонасида матбуот конференцияси уюштирилди. Йиғилишда нуфузли мусобақалар ташкилотчиси С. Какшури Тошкент турнирининг халқаро аҳамияти ортиб бораётганлигини эътироф этди. Республика Ташқи ишлар вазири, мусобақа ташкилий қўмитасининг аъзоси А. Комилов анъанага айланган баҳс мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Теннисчиларга қизғин баҳсда муваффақият тилади. Йиғилишда, шунингдек, республика теннис федерациясининг президенти Р. Иноятов, спорт қўмитасининг раиси Б. Махситов, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Зокиров ва бошқалар иштирок этишди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Марк РОССЕТ, швейцариялик таниқли теннисчи.

— Бундай нуфузли мусобақада иккинчи маротаба қатнашмоқдаман. Йилдан-йилга тажрибаю маҳоратимни оширишга ҳаракат қиларканман, турли жойларда бўлганимда бизга яратилаётган шароитларни қиёслаб кўришга уринаман. Гап шундаки, усти берк «Юнусобод» кошонаси халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради.

Марат САФИН, россиялик таниқли теннисчи.

— Ўзбекистонда бир неча бор бўлганман. Қизиғи шундаки, Тошкент йилдан-йилга яшариб, замонавий тус олаётгани яққол кўзга ташланади. Мусобақаларнинг ташкил этилиши, шарт-шароитлар Оврупо турнирларидан сира қолишмайди. Ниятим, биринчи даврадан ўтиб, баҳсни давом эттиришга ҳаракат қилиш.

Олег ОГОРОДОВ, мухлисларимиз фахри бўлиб қолган теннисчиларимиздан бири.

— Кичик тўп билан ошно бўлиб, халқаро майдонларга чиқибманки, қаерда бўлмай, она юрт нафасининг хумори тутаверади. Президентимиз ташаббуси билан асос солинган халқаро мусобақанинг довруғи ортиб бораётгани, энг кучлиларнинг Тошкентга келаётганидан фақат дил қувнайди. Бу сафар ҳам ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Йиғилишда, шунингдек, яна бир янгилик эълон қилинди. Маълумки, бултур АТП талаблари асосида илк марта баҳс уюштирилганди. Ғолибга биллур соврин берилгани ҳаммага аён.

Бу сафар эса кубок ўзгарди. Уни «Фонон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси яратди. Қўлда ясалган бу соврин чиройли безакли ва нафис бўлиб, киши диққатини тортади. Кумушдан ясалиб, зарҳалланган бу совринни ким қўлга киритаркин? Мусобақа иштирокчилари ўртасида ташланган қуръа ҳам қизиқарли бўлди. Унга кўра, дастлабки учрашувни Е. Кафельников билан М. Синнер бошлаб берадиган бўлишди. О. Огородов — Х. Леви, Д. Томашевич — Н. Эскуде, Т. Ғаниев — М. Сафин, В. Куценко — С. Пьолин билан ўзаро учрашадиган бўлишди. Мусобақалар ҳар куни соат 4.00 бошланмоқда. Бир ҳафта давом этадиган баҳсда кимнинг ғолиб чиқиши қизғин саралашлардан кейин маълум бўлади.

*Ҳайдар НОСИРОВ*


Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳамид ИКРОМОВ, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.629 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0313

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА



*Vatanni sevmak iymondandur!*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 15 sentyabr, seshanba № 111 (23.348).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan


*Орамиздаги одамлар*

# Тўлов интизомидан «Прокурор дарси»гача

*Оҳангарон шаҳар прокурори Урозбек МУСАБЕКОВ билан суҳбат*

**— Урозбек ака, суҳбатимизни шу куннинг долзарб масалаларидан бири — тўлов интизомидан бошласак. Зеро, Оҳангарон республикамизнинг йирик саноат шаҳарларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, бу ердаги корхона ва ташкилотларнинг ўзаро тўловларини назорат қилиш бугунги кунда прокуратура органларининг муҳим вазифаларидан бирига айланган.**

— Аввало шуни айтишим керакки, прокуратура бу борада амалдаги қонун ҳужжатларига, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларига таяниб иш тутмоқда. Ҳақиқатдан ҳам тўлов интизоми ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар даврида ўта муҳим масала. Шу боисдан шаҳар прокуратураси солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлашни қатъий назоратга олган. Тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга ошириляпти. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўзаро ҳисоб-китоб механизми тўғри йўлга қўйилмас экан, тараққиёт бўлмайди. Мисол учун, бир корхона иккинчи бир корхонага бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат учун ҳақни вақтида тўламаса бундан нафақат ўша корхона ёки ташкилот зарар кўради, у ердаги ишчи-хизматчилар, қолаверса уларнинг оила аъзолари ҳам зарар кўради. Бюджетга тўловлар тушмайди, давлатга ҳам зиён келтирилади. Натижада бир корхона раҳбарларининг уқувсизлиги, масъулиятсизлиги иккинчи томондаги шерикларига панд беради, ишлаб чиқаришни издан чиқаради, одамларнинг норозилигига сабаб бўлади. Бу эса ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ривожига салбий таъсир қилади.



**— Катта-кичик корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарзлари кўпайишига сабаб нима деб ўйлайсиз?**

— Биринчидан, мансабдор раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, узоқни кўра билмасликлари бўлса, иккинчидан, қонунларни билмаслиги шундай хунук ҳолларга олиб келяпти. Корхона раҳбарига бориб, нега шериклар билан ҳисоб-китобни қилмаяпсиз, деб сўрасангиз, нолишдан нарига ўтишмайди. Қарзларни узолмаётганлигини дебитор қарзларни ундира олишмаётгани билан изоҳламоқчи бўладилар. Табиий савол туғилади. Хўш, шартномани ким тузган? Ўша раҳбар. Жавобини ҳам ўша мансабда ўтиргандан сўраш керак. Ҳозир нима бўляпти, баъзи корхона ва ташкилот раҳбарлари мавжуд қонун-қоидалардан бехабар шартномага имзо қўйишади-да, кейин ўз корхонасининг катта зарар кўришига сабабчи бўлишади.

Бозор иқтисодиёти шароитида шериклар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат — шартнома ҳисобланади. Шартнома шартларини ҳар икки томон бажариши керак. Унда олди-бердилар миқдори, тўлов шартлари ва муддати аниқ белгиланади. Ким бажармаса қонун олдида жавоб беради. Бизнинг текширишларимиз таҳлили шуни кўрсатяптики, кўпинча қонун-қоидаларни билмаслик ва бепарволик оқибатида иккинчи томон зарар кўряпти. Демак, бугунги кунда раҳбардан нафақат ишбилармонлик, тадбиркорлик талаб этилади, шу билан бирга у ҳуқуқий билимдон бўлиши шарт. Бозор иқтисодиётининг талаби шундай.

Яна бир гапни айтиб ўтмасам бўлмас. Баъзида шундай бўлади. Иккинчи томоннинг молиявий аҳволи ўрганилмасдан маҳсулот жўнатилади ёки хизмат кўрсатилади. Шерикнинг тўлов қобилияти борми-йўқми, қизиқишмайди. Оқибатда ўзлари чув тушиб қолишади. Шунинг учун ҳамкорларнинг молиявий аҳволи ҳақидаги ахборот ҳар бир раҳбарда бўлиши керак. Зеро, ҳозирги замон ахборотлар даври, кимда ахборот етарли бўлса ўша ютади.

**— Энди, тўлов интизоми бўйича ўтказилган текширишлар хусусида тўхталсангиз.**

— Шаҳар прокуратураси томонидан умумий ва ўзаро тўловлар бўйича 33 та текширув ўтказилди. Шунинг учтаси умумий тўловлар бўйича. Солиқ инспекцияси, молия ва банк вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган текширувлар натижасида бир қанча корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи ёмонлиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, бюджетга муддатида тўланмаган тўловлар миқдори аниқланди. Айбдор шахслар жавобгарликка тортилди. Масалан, бир миллион сўмдан ортиқ дебиторлик қарзларни ундириш чорасини кўрмаганликлари учун Оҳангарон шифер ҳиссадорлик жамияти раиси М. Шоматов ва бош бухгалтер Э. Умрзоқовга нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, жарима солинди. Шунингдек, ўз вазифаларига енгил-елпи муносабатда бўлганлиги учун «Сантехқуйма» ҳиссадорлик жамияти, «Оҳангарондон» ҳиссадорлик жамияти, 18-механизациялашган қурилиш корхонаси раҳбарлари ва бош бухгалтерларига ҳам чора кўрилди. Дебитор қарзларни ундириш чорасини кўрмагани ва қонунда белгиланган даъво муддатини ўтказиб юборганлиги учун «Оҳангарон тошни қайта ишлаш» корхонаси раҳбари М. Худойқуловга нисбатан эса жиноий иш қўзғатилди. Чунки, Президентимизнинг Фармонларига кўра, пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаган, тўлов интизомини бузган, шартнома мажбуриятларини бажармаган ва корхоналарни банкротлик даражасига етказган раҳбар шахсларни қаттиқ жавобгарликка, жиноий жавобгарликка тортишгача олиб келиши кўрсатилган. Демак, корхона ва ташкилот раҳбарлари шартнома мажбуриятларини бузсалар қонун олдида жавоб беришларини чуқур англаб етишлари керак.

**— Солиқ ва ўзаро тўловларни мустаҳкамлашда прокуратура фақат назорат қилиш ва айбдорларга чора кўриш билан кифояланмаётган бўлса керак. Демоқчиманки, юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун тушунтириш ишлари ҳам олиб борилаётгандир...**

— Албатта. Ҳар қандай ҳуқуқбузарликка чора кўргандан кўра, унинг олдини олган минг марта яхши, сизга айтсам. Ҳуқуқий демократик жамият қураётган эканмиз, аввало одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчларини тўла англаб олишлари зарур. Бунинг учун қонунни билишлари ва унга итоат қилишлари керак. Шу маънода биз аҳоли ўртасида тарбиявий-тушунтириш ишларига алоҳида эътибор беряпмиз. Тўлов интизоми бўйича ҳам шундай қилиняпти. Шартнома шартларини бажармаётган корхона ёки ташкилот раҳбарларига тушунтиряпмиз: агар сиз қарзни тўламасангиз ёки ундирмасангиз шунча зарар кўрасизлар, ишчиларингиз маош олишмайди. Агар кимки бу ишга масъулиятсизлик билан қараса бундай мансабдор шахсларга нисбатан қонун бўйича чоралар кўрилади, деймиз. Тушунтириш ишлари самарасини бераётир. Қолаверса, биз Оҳангарон шаҳридаги корхоналарнинг дебитор қарзларини ундиришда ҳам амалий ёрдам беряпмиз. Шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан шу йилнинг ўзида 20 миллион сўмлик дебиторлик қарзлари ундириб олинди.

**— Урозбек ака, Оҳангарон шаҳар мактабларида «Прокурор дарси» ўтказилаётган экан. Икки оғиз ана шу «дарс» хусусида тўхталсангиз...**

— Ҳақиқатдан ҳам шаҳримиз мактабларида ҳафтада икки марта «Прокурор дарси» ўтказилади. Мен ва ўринбосарим бир соатдан юқори синф ўқувчиларига меҳнат ҳуқуқи, оила кодекси, умуман қонунчилик мавзуида машғулотлар ўтказамиз. Ёшлар қизиқувчан бўлишади. Қизиғи шундаки, ўқувчилар биз кутмаган шундай саволларни беришадики, ҳайрон қоламан. Лекин саволларига аниқ жавобни олишади. Бу машғулотлар ёшларнинг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган. «Прокурор дарси»нинг бош мақсади ҳам аслида шу.

*Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири*

## «Оила — 98»

# «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»



***Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.***

Фамилияси Эшбоева
Исми Ута
Отасининг исми Ҳолмирзаевна
Қачон, қаерда туғилган 1890 йил Қашқадарё вил. Қамаши тум. Янги қишлоғи
Ҳозир қаерда яшайди Қашқадарё вил. Қамаши тум. «Ғишт.ли» ж/ҳ
Узоқ умр кўришнинг сири Соғлик, оилада-ги тотувлик (қисқа баён этилади)
Юз ёшнинг хулосаси Қариси бор эл — париси бор эл (қисқа баён этилади)

*Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнгида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.*

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

# Эзгу мақсад йўлида

Шундай одамлар борки, юрт учун, Ватан учун ҳеч нарсани аямайдилар. Улар мустақиллик менга нима берди, деб эмас, балки мен мустақилликка қандай ҳисса қўшдим, деган уй билан яшайдилар. Раҳмонберди Хўжаев ҳам шундай бағри кенг инсонлардан. У қарийб қирқ йилдан бери миллатимиз фарзандларининг соғ-саломат бўлиши учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Буни Раҳмонберди Хўжаевнинг қисқача таржимаи ҳолидан ҳам билса бўлади. Раҳмонберди 1963 йили Тошкент Давлат Тиббиёт институтини битирди. Аввалига Марғилон тиббиёт бирлашмасида, сўнг Фарғона вилоят касалхонасида ишлади. Кейинчалик ўз соҳасида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш учун 1967 йилдан 1970 йилгача Марказий травматология ва ортопедия институтида аспирант бўлди. Ниҳоят ўша йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1972 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтида ишлаб келмоқда. 1988 йилда тиббиёт фанлари доктори бўлди. Кейинчалик эса унга профессорлик унвони берилди. Р. Хўжаев 141 илмий иш, 6 та монография, 46 та услубий тавсиянинг муаллифи, 44 та муаллифлик гувоҳномаси ва патентини олди. 68 рационализаторлик таклифи ҳам киритган. Унинг раҳбарлигида 12 та номзодлик диссертацияси ёқланган.

Олим ижодий изланишларининг асосий йўналишлари соғлом авлодни ўстиришга қаратилган. Айниқса, болалардаги суяк синиши, чиқиши жароҳатларини аниқ ташхис қўйиб даволаш усулларини ишлаб чиқиб жорий этиши фикримизнинг далилидир. Р. Хўжаев раҳбарлигида болалар жароҳатига аниқ ташхис қўйиш, бўғин ичидаги синишни даволаш юзасидан кўп иш қилинди. Бунинг учун бир қанча аппаратлар ҳам тайёрланди. Бу асбоб-ускуналардан шифохона шароитида фойдаланиш юзасидан бир қанча усул-услублар ҳам ишлаб чиқилди.

Профессор Р. Хўжаев илмий кенгаш раиси ҳамда травматология ва ортопедия бўйича ихтисослаштирилган кенгаш раисининг ўринбосаридир. Унга фаол илмий фаолияти учун И. И. Пирогов номидаги медаль берилган. Ўзбекистон Травматолог ва ортопедлари жамиятининг фаол аъзосидир. Раҳмонберди Хўжаев бундан ўн йил аввал ўзи ташкил этган болаларнинг ўткир жароҳатларини даволаш бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Айни пайтда етук олим Раҳмонберди Хўжаев мамлакатимизда соғлом авлод етиштириш учун бутун бой тажрибаси, билими ва маҳоратини сарфламоқда. Шу боис ҳам биз олимнинг эзгу ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

*Ҳабиб ҲАЙДАР, «Ўзбекистон овози» мухбири*


«ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ»

очиқ турдаги акциядорлик жамияти

«ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ» очиқ турдаги акциядорлик жамияти Кузатиш Кенгашининг қарорига биноан 1998 йил 14 октябрь соат 15.00 да «ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ» ОТАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади:

КУН ТАРТИБИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22.08 даги 361-сонли қарорига асосан «Ўзбекистон шампани» ОТАЖ низомига тегишли қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш.

МАНЗИЛ: Тошкент ш. Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 186-уй. «Ўзбекистон шампани» корхонаси клуби. Тел: 67-66-41.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси 700100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уйга кўчганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Чет эл фирмасига инглиз (аъло даражада), турк, ўзбек ва рус тилларини билган таржимон зудлик билан ИШГА ОЛИНАДИ. Мурожаат учун телефонлар: 152-69-77, 152-70-45.